

Инсон ўлганидан кейин нима бўлади?



16:06 / 30.10.2018 16103

Ўлим маълум ва машҳур ҳодиса. Уни ҳамма билади ва соат сайин қайта-қайта бу ҳақиқатга гувоҳ бўлиб туради. Ўлимни билмаган, эсга олмаган одам боласи йўқ. Аммо ўлимга боғлиқ нарсалар тамомила ғайбиётлар жумласига киради. Уларни кўриб ҳам, ҳис қилиб ҳам, бошқа нарсаларга солиштириб ҳам бўлмайди.

Шу ерда тирилтирадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзи эканини таъкидлаб ўтмоғимиз лозим.

Ўлим нима?

Инсон ўлганидан кейин нима бўлади?

Унинг ҳоли не кечади?

Ўлим – кишининг юраги уришдан тўхтаб, қон айланмай қолиб, қимирламай қолишидан иборат, холосми? Ёки бундан бошқа нарсалар ҳам борми?

Инсон ўлганидан кейин иш битдими?

Қабрида чириб, тупроққа қўшилиб кетаверадими? Ундай бўлса, унинг бошқа ҳайвонлар, қурт-қумурсқалардан нима фарқи бор? Ёки инсон бу дунёда турли ҳайвон ва қурт-қумурсқалардан фарқли бўлиб, ақл билан

яшагани учун ўлганидан кейин ҳам унга бошқача, инсонга тўғри келадиган муносабат бўлиши керакми?

Ислом ақийдасига кўра, бу дунё инсон учун синов майдонидан бошқа нарса эмас. Асосий ҳаёт диёрига ўтишдан олдин имтиҳон топшириб, у ёқдаги ҳаётга ўзининг нақадар ҳақли эканини исбот қилиш фурсати, холос. Инсон ана ўша боқий дунё мартабаси учун ушбу фоний дунёда ҳаракат қилади, холос.

Исломда инсоннинг ўлиши бу дунёдан у дунёга ўтгани, фоний дунёдан боқий дунёга кўчишидир. Янги, боқий дунёда уни фаришталар кутиб олиб, жойлаштирадilar. Қандай жойга муносиб эканини ўзига билдириш учун сўроқ-савол қиладilar, қўлларидаги номаи аъмолларини кўрсатадилар. Сўнг унга жой кўрсатишади. Бу ишлар қабрдан бошланади.

Қабр саволи

Вафот этган одамнинг қабрда фаришталар томонидан сўроққа тутилишига жазм ила эътиқод қилиш ҳар бир мусулмон учун вожибдир.

Мўмин-мусулмон киши икки фаришта томонидан сўроққа тутилганида иймони ва солиҳ амаллари туфайли Аллоҳ таоло унга ёрдам бериб, уни субутли сўз билан собит қилади – у калимаи шаҳодатни айтишга муяссар бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар розияллоҳу анҳумдан келган хабарлар асосида қабр азобига, унда Мункар ва Накирнинг бандани Роббидан, динидан ва Набийсидан сўроқ қилишига иймон келтирамиз. Қабр жаннат боғларидан бир боғ ёки дўзах чоҳларидан бир чоҳ бўлади...

“Мукамал саодат йўли” китобидан